


Раддия: Азонни овоз кучайтиргичда айтиш тўхтагани йўқ!



15:30 / 31.10.2019 2807

Куни кеча ижтимоий тармоқларда **«Мусулмонлар идораси тавсияси билан овоз кучайтиргичда азон айтиш тўхтатилди»**, деган сарлавҳа билан бошланган хабарда гўёки Наманган шаҳридаги масжидларда азонни овоз кучайтиргичлар орқали айтиш тўхтатилгани иддао қилинган. Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати хабар беради.

Ушбу бўхтон маълумот ижтимоий тармоқларда баҳс-мунозаларга сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси бу воқеанинг келиб чиқиш сабабларига аниқлик киритиш мақсадида, Наманган вилояти вакиллиги мутахассислари билан боғланди. Ушбу вилоят вакиллиги масъул ходимлари ва мазкур ҳудуддаги жоме масжидлар имом-хатиблари Наманган шаҳридаги масжидларда азонни овоз кучайтиргичлар орқали айтиш тўхтатилгани ҳақидаги хабар мутлақо ёлғон ҳамда асоссиз эканини қатъий таъкидладилар.

Аллоҳ таолонинг изни ила диёримиз масжидларида мўмин-мусулмонларни намозга чорловчи азон садолари бундан буён ҳам янграйверади. Бунинг исботи сифатида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги масжидларда

муслмонларимизни намозга чорлаётган, шу жумладан кучайтиричлар орқали айтилаётган азон садолари далил бўлади.

Шу ўринда айтиш керакки, ижтимоий тармоқларда турли хил ёлғон ва бўхтон хабарлар тарқатаётган кимсаларга Аллоҳдан қўрқинг деймиз.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Эй иймон келтирганлар! Агар фосиқ хабар келтирса, аниқлаб кўринглар, билмасдан, бир қавмга мусибат етказиб қўйиб, қилганингизга надомат чекувчи бўлманглар». (Хужурот сураси, 6-оят)

Демак, ҳар қандай хабарни ким етказганига жиддий эътибор қаратиш лозим. Таъкидлаш жоизки, азон масаласида сохта хабарларни тарқатаётган манбаларнинг мақсадлари юртимиз муслмонлари орасида фитна уруғини сочишдан бошқа нарса эмас.

Ўзбекистон муслмонлари идораси юртимиз масжидларида азон садолари бардавом бўлишини таъкидлаган ҳолда Ислом дини қадриятлари, уламолар ва Диний идора шаънига нисбатан айтилган ҳар қандай асоссиз гапларга нисбатан доимо муросасиз эканини маълум қилади.

Islom.uz портали таҳририяти